ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

2020 yil «29» август № 526 Toshkent sh.

# 2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислоҳотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ҳузурларидаги Коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсирининг салбий оқибатларини бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг инвестициявий ва ташқи иқтисодий фаоллигини тиклаш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ўтказилган мажлисдаги топшириқлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бошқа вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида таркибий ўзгаришларни тиклаш ва давом эттириш бўйича қуйидагиларга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

2020 йилда иқтисодиёт асосий секторларининг ривожланишини сақлашга ва 2021 йилдан бошлаб барқарор иқтисодий ўсишни 5,0-5,5 фоиз даражасида таъминлашга йўналтирилган **макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва бозор институтларини ислоҳ қилишни давом эттириш;**

биринчи навбатда, инқироздан кейинги ривожланиш даврида банкларни трансформация қилиш ва банк хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда уларнинг сифатини оширишни таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган **банк тизимини янада ислоҳ қилиш;**

аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини биринчи марта амалга ошираётган шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича дастурий чора-тадбирларни кенгайтириш орқали **ички талабни рағбатлантириш ва камбағалликни қисқартириш;**

**саноат ва рақобат сиёсатини,** жумладан, маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш, тармоқлараро кооперация алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, саноатнинг стратегик тармоқлари корхоналарида ислоҳотларни давом эттириш асосида **такомиллаштириш;**

**инвестиция жараёнларини**, биринчи навбатда, маҳаллий инвесторларнинг инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва қўшилган қийматнинг ишлаб чиқариш "занжирлари"ни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишдаги иштирокини рағбатлантириш учун ички манбаларни кенгайтириш йўли билан **фаоллаштириш;**

экспорт қилувчи корхоналарни қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш орқали, шу жумладан савдони молиялаштиришнинг замонавий воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларни янги экспорт бозорларига етказиб беришни кенгайтиришда савдо-воситачилик ташкилотларини рағбатлантириш ҳисобига **ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш;**

давлат харидлари тизимида хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш, ҳудудлардаги кичик саноат зоналарини уларга ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаси объектларини ўтказиш учун қўшимча молиявий ресурсларни ажратган ҳолда ривожлантириш асосида **ишбилармонлик ва рақобат муҳитининг қулайлигини ошириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;**

ҳудудларда аҳолига комплекс хизматлар кўрсатадиган савдо ташкилотлари тармоғини ривожлантириш, маҳаллий мобиль алоқа операторларининг давлат активларини босқичма-босқич сотиш ва қишлоқ жойларда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, 2021 йилда барча ижтимоий муассасалар, қишлоқ аҳоли пунктлари ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғига улашни якунлаш ҳисобига **хизматлар соҳаси корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва рақамли технологияларни ривожлантириш.**

2. Қуйидагилар:

**2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси** (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар режаси) 1-иловага мувофиқ;

**Иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни тиклаш ва давом эттириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"** (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари (А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, С.У. Умурзаков) ва Бош вазир маслаҳатчиси (О.М. Умаров) бир ҳафта муддатда тадбирларни амалга оширишнинг аниқ босқичлари ва муддатларини кўрсатган ҳолда, Ҳаракатлар режаси ва "Йўл харитаси"ни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг тегишли вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари кесимида тасдиқланишини таъминласин.

4. Мутасадди вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг зиммасига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига ҳар ойда маълумот киритган ҳолда Ҳаракатлар режаси ва "Йўл харитаси"даги тегишли тадбирлар ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш таъминланиши учун шахсий масъулият юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, шунингдек, ҳудудлар кесимида "Йўл харитаси" доирасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши тизимли асосда таҳлил қилинишини ва уларнинг Ҳаракатлар режасида белгиланган асосий мақсад ва вазифаларга эришишга таъсирини баҳолашни таъминласин;

зарур бўлганда, "Йўл харитаси"га манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан келишган ҳолда, Ҳаракатлар режасини амалга ошириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

Ҳаракатлар режаси ва "Йўл харитаси" доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни амалга оширишга таъсирини баҳолаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар ойда ахборот киритиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил "29" август даги 526-сон қарорига
1-илова

# Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимли таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича 2020-2021 йиллардаги амалий ҳаракатлар режаси

## I-боб. Коронавирус пандемияси тарқалишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари

Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалишинининг олдини олиш бўйича амалга оширилган самарали чора-тадбирлар ёрдамида дунёнинг кўплаб мамлакатларида кузатилган **энг ёмон ҳолатлар четлаб ўтилди.**

**1 миллион кишига тўғри келадиган инфекция ва ўлим даражаси** (мос равишда **110** ва **0,5**) дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан **9-10** баравар паст (мос равишда **848** ва **50**).

Инфекция билан зарарланганларни тиббий кўрикдан ўтказиш, профилактика қилиш, даволаш ва тиббий ходимларни молиявий рағбатлантиришга тўғридан-тўғри санитария-гигиена ва тиббий харажатлар **651 миллиард сўм**ни (**65 миллион доллар** эквивалентида), карантин марказларининг қурилишига узоқ муддатли сармоялар ва тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш – **1,2 триллион сўм**ни (**120 миллион доллар** эквивалентида) ташкил этди.

Шу билан бирга, асосан, жорий йилнинг II чорагидаги мажбурий карантин чоралари иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга ўз салбий таъсирини кўрсатди. Хусусан:

1) ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилнинг I ярим йиллигида **ЯИМнинг** ўсиши **100,2 фоиз**ни (*дастлабки прогнозга нисбатан 105,8%*), **саноат - 98,1 фоиз**ни *(105,9%)*, **хизматлар - 102,6 фоиз**ни *(107,3%)*, **қишлоқ хўжалиги – 102.8 фоизни** *(103,3 %)* ташкил этди.

*Маълумот учун: энг оғир карантин (апрель) ойида саноатнинг пасайиши тахминан **22,8 фоизга** (2019 йил апрелга нисбатан), хизматлар **37,5 фоизга;** экспорт **9,6 фоизга** баҳоланмоқда.*

Жорий йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб саноат ва қурилиш корхоналарининг карантин чораларидан босқичма-босқич олиб чиқиилиши ЯИМ, саноат ва қурилишни чуқур пасайишининг олдини олди. Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиётда пасайиш билан эмас, балки иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиши билан пандемиянинг салбий оқибатларини чегаралайдиган саноқли давлатлардан бири бўлди.

2) **давлат бюджети даромадлари** қимматбаҳо металларнинг қулай нархлари ҳисобига **сезиларли даражада пасаймади.**

Бироқ, **2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида консолидациялашган бюджет тақчиллиги** Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг шаклланиши, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларидаги фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳисобига иккинчи даражали харажатларни секвестрлаштиришга қарамасдан, ЯИМнинг **4,1 фоизни** (режа – **0,5 %**) ташкил этди.

Шу билан бирга, каронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларига бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар доирасида давлат бюджети даромадлари **2,8 триллион сўм** ёки ЯИМнинг **0,4 фоиз** миқдорида камаяди.

3) **ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатлари бироз пасайди** (прогноз қилинган **108,2 фоизга** нисбатан **87,2 фоиз**), лекин иқтисодиёт учун муҳим бўлган **39** та йирик лойиҳалар объектив шароитлар туфайли белгиланган муддатидан кеч ишга туширилади. Бу нафақат 2020 йилда, балки 2021 йилда ЯИМнинг ўсиш суръатларига салбий таъсир қилади.

4) хом-ашё ва бутловчи қисмларни етказиб беришда **транспорт-логистика чекловлари**, корхоналарнинг вақтинча ёпилиши, шунингдек, хорижий мамлакатларда қўлланган карантин чоралари нафақат импортнинг **15 фоиз** қисқаришига таъсир қилди, балки **экспорт ҳажмига** ҳам **салбий таъсир** кўрсатди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида экспортдаги йўқотишлар 2019 йилнинг шу даврига нисбатан **1,8 миллиард долларга**, жумладан, **табиий газ** экспорти **735 миллион доллар**, **туризм хизматлари – 399,1 миллион доллар**, **авиация хизматлари – 150,3 миллион доллар**; **мева-сабзавот маҳсулотлари – 215,5 миллион доллар**; **мис ва рух маҳсулотлари – 106 миллион долларга** баҳоланмоқда.

5) туризм, транспортнинг барча турлари, умумий овқатланиш, ноозиқ-овқат товарлари савдоси, барча турдаги таълим хизматлари, маданий ва кўнгилочар муассасалар хизматлари **коронавирус пандемиясидан энг кўп зарар кўрган тармоқлар ҳисобланади.**

Вазият шундай мураккаблашмоқдаки, ушбу тармоқларнинг инқирозгача фаолиятини тиклаш нафақат Ўзбекистон Ҳукуматининг чоралари, балки дунёда инфекция тарқалишининг умумий ҳолати билан боғлиқ.

ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.



## II боб. Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалишининг кенг авж олиш даврида аҳоли ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун қабул қилинган асосий чоралар, тикланиш босқичлари ва 2020 йилда кутилаётган натижалар

1) санитария-гигиена тадбирларини ўтказиш, инфекция юқтириш ва юқтирган одамларни даволаш, иқтисодиётнинг алоҳида энг кўп зарар кўрган тармоқларини сақлаш, инвестицион фаолликни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни ошириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш мақсадида **10 триллион сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш**.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **5,6 триллион сўм** маблағ сарфланган бўлиб, шундан ташхис-тест тизимлари, реактивлар ва ҳимоя воситаларини сотиб олиш, санитария-эпидемиология ишларини амалга ошириш ҳамда тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлашга **724 миллиард сўм** сарфланди.

2) **корхоналар банкрот бўлишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар** қабул қилиш, муҳтож хўжалик субъектларига, биринчи навбатда, зарар кўрган тармоқларга субсидиялар, кредитлар ёки пролонгациялар шаклидаги қўшимча молиявий ресурслар ажратиш.

Хусусан, карантин чораларидан зарар кўрган **59,8 мингта** кичик бизнес субъектлари ва корхоналар **567,5 миллиард сўм** миқдорида мулк солиғи ва ер солиғидан озод қилинди. **20,3 мингта** хусусий тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган ер участкалари ва объектлари учун **юқори ставкаларни тадбиқ этиш** ва **жарималарни** (**1,1 триллион сўм**) ундириш тўхтатилди.

**328,8 мингта** микрофирма ва кичик корхоналар (**1,68 миллион** ишчи) учун ижтимоий солиқ ставкаси **12 фоиздан 1 фоизга** (**662 миллиард сўм**) камайтирилди. **239 мингта** якка тартибдаги тадбиркорларга энг кам ижтимоий солиқ миқдори базавий ҳисобланган сумманинг **50 фоизигача** (**155 миллиард сўмдан** ортиқ) камайтирилди.

**4 022 та** экспорт қилувчи, ташқи савдо операциялари бўйича дебиторлик қарзлари мавжуд корхоналарга **1,7 триллион сўм** миқдоридаги жарималарни қўллаш тўхтатилди.

Тижорат банклари томонидан **23,9 триллион сўмлик** кредитлар пролонгация қилинди.

3) **“Ҳар бир оила – тадбиркор”** дастури орқали **аҳолининг энг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг даромад базасини 4 триллион сўм**га **ошириш.**

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишсизларни жамоат ишларига жалб этиш учун **621 миллиард сўм** ажратилди. Ижтимоий нафақалар олувчи оилалар сони **595 минг**дан **799 минг**гача ёки **34 фоизга** кўпайди.

Пенсия жамғармаси томонидан ортиқча тўланган пенсиялар бўйича **12,9 минг** нафақа олувчиларнинг **20 миллиард сўмдан** ортиқ қарзлари ҳисобдан чиқариб ташланди.

**Биринчи марта камбағаллар билан манзилли ишлар** бошланди. Уйма-уй ўтказилган ўрганишлар натижасида **583 мингта** моддий ёрдамга муҳтож "камбағал оилалар" аниқланди. Уларни қашшоқликдан чиқариш ва бандлигини таъминлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бошланди.

Хусусан, **"Саховат ва кўмак"** умуммиллий ҳаракати доирасида уларга **307 миллиард сўмдан** ортиқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

4) **иқтисодиёт тармоқлари барқарорлиги учун зарур ва муҳим бўлган секторларни мақсадли қўллаб-қувватлаш** (энергетика, кимё, тўқимачилик, электротехника саноатлари, қурилиш, банк иши, туризм, соғлиқни сақлаш).

Хусусан, туризм билан шуғулланувчи **3 167 та** якка тартибдаги тадбиркор учун жисмоний шахслар даромадларига солинадиган даромад солиғини ҳисоблаш тўхтатилди (**3,1 миллиард сўм**).

Жорий йилнинг охирига қадар **3 704 та** сайёҳлик, меҳмонхона хизмати ва авиация соҳаси субъектлари ер солиғи ва мулк солиғидан озод қилинди, шунингдек, улар учун ижтимоий солиқ хажми **12 фоиздан 1 фоизга** пасайтирилди (**154,5 миллиард сўм**дан ортиқ).

тиббий асбоб-ускуналарни импорт қилишда, **2,8 миллиард сўм**лик божхона тўловларидан озод қилиш мақсадида имтиёзлар берилди.

Умумий овқатланиш ва алкоголь маҳсулотлари савдоси соҳаси билан шуғулланувчи **11,2 минг**дан ортиқ корхоналар учун ажратмалар (**5 фоиздан 3 фоизгача**) ва **йиғимлар миқдори** (**25 фоизга**) камайтирилди, бу эса уларга **17,1 миллиард сўм** миқдоридаги маблағларни ўз ихтиёрида қолдиришга имкон яратди.

Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **2 166 миллиард сўм** ажратилди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, ирригация ва мелиоратив объектлари, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари учун

**3,7 триллион сўмлик** қўшимча **2 424 та** инфратузилма лойиҳалари рўйхати шакллантирилди ва мазкур лойиҳалар учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан **1,1 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар ажратилди.

5) **қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини карантин чораларидан ҳоли ҳудуд сифатида сақлаш**, барча қишлоқ хўжалиги тадбирларини ўз вақтида молиялаштириш ва амалга ошириш.

**83 мингта** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қўшимча ёрдам сифатида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ миқдори **50 фоизга** камайтирилиб, **814 миллиард сўм**дан ошди.

Бироқ, табиий офатлар рўй бергани сабабли, шу йилнинг апрель ойида Қашқадарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида **16,6 минг** гектар экин майдонлари, шунингдек, Фарғона водийсининг бир қатор майдонларидаги боғлар зарар кўрди. Сардоба вилоятидаги сув омборининг қулаши туфайли **21 минг** гектардан ортиқ экин майдонлари муомаладан чиқарилди.

Натижада, 2020 йилнинг I ярим йиллигида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **102,8 фоиз**ни ташкил қилди (прогноз **–102,4 фоиз**).

6) коронавирус инфекциясининг тарқалиш даражасига қараб ("қизил", "сариқ", яшил" минтақалар) **вилоятлар ва яшаш пунктларида карантин тадбирларини ўз вақтида босқичма-босқич олиб ташлаш** орқали вирус тарқалмаган жойларда бизнесни тиклаш жараёнини кечиктирмасликка имкон яратиш.

7) **бизнес ва аҳолини қўллаб-қувватлаш** учун **"қўл режимида"** ишлайдиган қашшоқликни камайтириш ва аҳолининг самарали талабини сақлашга қаратилган **кенг кўламли маъмурий чора-тадбирлар** ишлаб чиқиш.

Алоҳида эътибор пандемия туфайли аҳолининг, айниқса, мамлакатга қайтган меҳнат муҳожирлари орасида ишсиз қолганларнинг муаммоларига қаратилмоқда.

Хусусан, **231,9 минг** киши жамоат ишларига жалб қилиниши учун Жамғармадан **165,7 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар ажратилди. Хусусий хўжаликлар ва кооперативларга **30,7 минг**дан ортиқ фуқаро ишга жалб этилган, шунингдек, бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратилган субсидиялар ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган.

**Қабул қилинган чора-тадбирлар Ўзбекистонга жорий йилнинг май ойи бошида саноат пасайишининг энг паст нуқтасини бартараф этиш** ва жорий йилнинг июнь ойи ўрталарига келиб, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги энг паст пасайиш нуқтасини бартараф этиш имконини берди.

## III боб. Амалий ҳаракатлар режасининг асосий мақсад ва вазифалари

Келгуси даврнинг асосий чекловлари ва таҳдидлари қуйидагилар ҳисобланади:

**1. Маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқарилишининг чекланиши.** Бунинг олдини олиш учун карантин даврида хўжалик фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келганларга алоҳида эътибор бериб, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини тезроқ тиклаш зарур. Муаммони ҳал этиш иқтисодиётга молиявий маблағларни, шу жумладан, инвестиция ссудалари бўйича қарзларни узайтириш ва айланма маблағлар сифатида "тез пуллар"ни ажратишни талаб қилади.

**2.** Аҳоли даромадларининг пасайиши, ишлаб чиқариш занжиридаги узилишлар туфайли **ички талабнинг чекланиши**. Муаммонинг ечими корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш, янги иш ўринлари яратиш ва тиклаш, кейин эса аҳоли даромадларининг ўсиши билан боғлиқ ҳисобланади.

**3. Карантин чораларини либераллаштириш ва коронавирус** инфекциясининг тарқалиш даражаси юқори бўлган мамлакатлардан одамларнинг кўчиб ўтишига йўл қўймаслик учун ташқи чегараларнинг ёпилиши билан коронавирус инфекциясининг аҳоли орасида тарқалиши хавфи. Муаммонинг ечими маълум санитария-гигиена меъёрлари ва чекловларининг сақланишида (айниқса, оммавий тадбирлар пайтида, мамлакат ташқарисидан кирганда ва ҳоказо) ва беморларга зарур тиббий ёрдамни кенгайтиришда намоён бўлади. Коронавируснинг сайёрада тарқалишининг давом этишини ҳисобга олиб, ягона усул – бу ўз вақтида ташхис қўйиш ва самарали даволанишни ўрганиш ҳисобланади.

**4. Бюджет тақчиллигининг ошиши ва ташқи давлат қарзининг ўсиши, макроиқтисодий барқарорлик хавфларининг намоён бўлиши.** Жаҳон ишлаб чиқаришининг кескин пасайиши ва глобал иқтисодий тикланиш истиқболлари тўғрисида ноаниқликнинг юқори даражаси кўплаб давлатларни иқтисодиётда аҳолини ва ялпи талабни қўллаб-қувватлаш учун бюджет харажатларини (шу жумладан, ташқи қарз маблағлари ҳисобига) кўпайтиришга мажбур қилмоқда.

Ташқи қарзнинг ўсишини олдини олиш учун асос яратиш, хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун шароитни яхшилаш қисқа ҳамда узоқ истиқболда инқироздан кейинги тикланиш иқтисодиёт барқарор ривожланишининг асосий шартлари ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, иқтисодиётни либераллаштириш (жумладан, энергия ресурслари бозори) соҳасида бошланган ислоҳотларни изчил

давом эттириш, рақобат муҳитини ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётда давлат секторининг улушини камайтиришни талаб қилади ва ўрта муддатли истиқболда хорижий инвестицияларнинг барқарор ўсишига ёрдам беради.

**5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида потенциал инвесторларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиши натижасида юзага келадиган инвестицияларга, айниқса, ташқи сармояларга чекловлар.** Ҳозирги вазиятда маҳаллий инвесторларга хорижий инвесторлар билан тенг инвестиция шароитларини яратиб, маҳаллий сармоядорлар учун рағбатлантириш ва инвестиция имкониятларини кучайтиришни талаб қилади.

**6. Жаҳон молиявий инқирози сабабли, ташқи талабнинг чекланиши ва ўзбек маҳсулотларини импорт қилувчи мамлакатлардаги инқироз.** Россия, МДҲ мамалакатлари ва Хитойдаги иқтисодий пасайиш Ўзбекистондан асосий маҳсулотлар: табиий газ, мева-сабзавот, тўқимачилик, электротехника, кимёвий маҳсулотлар, минерал ўғитлар экспортининг физик ҳажмини камайиши, шунингдек, асосий экспорт маҳсулотлари: пахта ва тўқимачилик, табиий газ, мис нархларининг пасайиши билан боғлиқ.

Муаммо экспорт географиясини кенгайтиришни жадаллаштириш, Европа ва Осиё бозорларига чиқиш, шунингдек, экспорт қилувчиларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни давом эттириш, жумладан, давлат бюджетидан транспорт харажатларининг бир қисмини субсидия қилиш орқали бартараф этилади.

**7. Бандлик муаммоси, жумладан, меҳнат миграцияси имкониятларининг қисқариши ҳамда камбағалликнинг ошиши Ўзбекистон учун катта таҳдид ҳисобланади.**

Иқтисодиётнинг олдида турган ҳозирги турли таҳдид ва муаммоли вазиятни инобатга олиб, амалий ҳаракатлар режаси Ҳукумат, барча вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун:

1) коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт ва аҳоли учун салбий оқибатларини бартараф этиш (тиклаш нуқталари);

2) тизимли ислоҳотларни давом эттириш учун шароитларни яратиш;

3) иқтисодиёт ривожига қўшимча туртки берадиган янги имкониятлар ва захираларни аниқлаш ("ўсиш нуқталари").

Амалий ҳаракатлар режасини **икки босқичда** амалга ошириш таклиф этилади:

**1-босқич – 2020 йил охирига қадар - барқарорлаштириш ва тикланган ўсиш.** Юқорида айтиб ўтилган ва таклиф қилинган чора-тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши билан 2020 йилга мўлжалланган кўрсаткичлар қуйидагича баҳоланади:

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши – **102,2 фоиз** (дастлабки прогноз **105,5%**), шу жумладан саноат – **103,4 фоиз (106,5 %)**, қишлоқ хўжалиги – **103,3 фоиз** (**104 %**), инвестициялар – **101,2 фоиз** (**109,3 %**); хизматлар – **100,1 фоиз** (**105,8 %**), чакана савдо айланмаси, умумий овқатланиш билан бирга – **103 фоиз** (**105,6 %**); экспорт – **94,3 фоиз** (**115,6 %**).

Ушбу ҳисоб-китоблар Республикада ва дунё миқёсида карантинни қайта жорий этиш эҳтимолини ўз ичига олмайди.

**2-босқич – 2021 йилдан бошлаб 5,0-5,5 фоиз барқарор иқтисодий** ўсиш суръатларини таъминлайдиган, **2020-2021 йиллар давомида** коронавирус пандемиясининг оқибатларини мослаштириш билан **тизимли ислоҳотларни давом эттиришга қаратилган чоралар.**

Шу билан бирга, ташқи таъсирнинг давомийлиги ва пандемиянинг иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва секторларига (туризм, транспорт, экспорт) таъсирини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг инқирозгача бўлган тенденцияларига чиқиш 2021 йилдан ўтиши мумкин.

## IV боб. Макроиқтисодий сиёсат ва бозор институтларини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий чора-тадбирлар

Мамлакат иқтисодиётининг тикланиши ва кейинчалик барқарор ривожланиши макроиқтисодий шарт-шароитлар, чора-тадбирлар ва тартибга солиш воситаларини яратиш билан бевосита боғлиқдир.

Стратегияда белгиланган макроиқтисодий сиёсат ва институционал ислоҳотларни давом эттириш билан бирга, ҳозирги вақтнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, 2020 йилнинг қолган даврида ва 2021 йилда қуйидагиларга асосий эътибор бериш талаб қилинади:

**– ташқи қарзнинг ўсишини чеклаш**, қарз маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини қатъий назорат қилиш. Бу эса молиявий харажатларни камайтириш, хусусий инвестицияларни ҳар томонлама тарғиб қилиш, шунингдек, кейинги йилларда ташқи қарздорликни устав чегарасидан ўтишининг олдини олиш учун ўрта муддатли режа ва чора-тадбирларни тайёрлаш, бюджет харажатларини режалаштириш ва Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан молиялаштириш, шунингдек, улардан фойдаланиш устидан қаттиқ назорат қилиш;

– **ташқи қарзлардан самарали фойдаланиш**, уларни устувор равишда, бюджет дефицити, инфратузилма лойиҳаларини, иқтисодий ўсишга бевосита ва иккинчи даражали таъсир кўрсатадиган ижтимоий объектларни молиялаштиришга қаратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқа ва ўрта муддатда қисқартиришга йўналтириш;

– техник-иқтисодий асослаш босқичида лойиҳа танлаш мезонларини такомиллаштириш орқали **давлат инвестиция харажатларини оптималлаштириш**, қиймати ва амалга ошириш вақти долзарблигини йўқотган инвестицион лойиҳаларни рад қилиш, шунингдек, уларнинг ишга туширилганидан кейин инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши ва самарадорлигини мониторинг қилиш, лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий инвестиция воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш, шу жумладан, корпоратив ва инфратузилма облигацияларини чиқариш орқали давлат-хусусий шерикчиликни ва фонд бозорини ривожлантириш;

– **солиқ ва божхона имтиёзларини оптималлаштириш бўйича ишларни якунлаш**;

– **саноат ва рақобат сиёсатини такомиллаштириш**. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва "ўсиш нуқталарига" молиялаштиришни жалб этиш, экспорт бозорларида рақобатбардошликни ошириш, халқаро қиймат занжирларида ички корхоналар иштирокида изчил ўсишни рағбатлантириш учун янги ривожланиш драйверларини аниқлаш билан **ўрта муддатли саноат сиёсати стратегиясини** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шу жумладан, давлат корхонаси ислоҳот жараёнини якунлаш, монополияга қарши курашни тартибга солиш ва рақобат муҳитини яратиш чора-тадбирлари орқали, ишлаб чиқаришни илм-фан билан бирлаштиришнинг самарали тизимини яратиш (тадқиқот марказлари, лойиҳалаш бюролари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар.);

– **қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш**. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолиятига **маъмурий аралашувни тўлиқ чеклаган** холда, нарх шаклланишида бозор механизмларини жорий этиш, молиявий ресурсларнинг ҳаракати ва ер айланмасининг гаров механизмини такомиллаштириш. Қишлоқ хўжалигида қиймат занжирларини яратиш механизмини рағбатлантириш;

– **ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш**, замонавий технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш орқали иқтисодиётда меҳнат унумдорлигини ошириш орқали иш ҳақининг ҳажмини ошириш, ва маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

## V боб. Банк секторидаги асосий чора-тадбирлар

Амалий ҳаракатлар режасининг самарадорлиги кўп жиҳатдан банк тизимининг молиявий кўмаги асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини тиклаши билан боғлиқ бўлади.

Амалий ҳаракатлар режаси, 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегиясида тасдиқланган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларни назарда тутади:

а) 2020 йил охиригача бўлган давр учун:

– иқтисодий фаолиятни, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида, иқтисодий чора-тадбирларни қўллаган ҳолда тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўртача даражада пасайтириш чоралари кўриш;

– кечиктирилган қарз миқдорини ҳисобга олган ҳолда, банк тизимининг ликвидлигини баҳолаш учун стресс-тестларни ўтказиш;

– мажбурий захиралаш шартларининг қайта кўриб чиқилиши муносабати билан тижорат банкларига **2,2 триллион сўм** миқдорида қўшимча ликвидлик бериш, шунингдек, Марказий банкнинг пул-кредит инструментларидан, шу жумладан, махсус воситадан фойдаланган ҳолда **3-6** ой муддатга, фақат кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун **2,6 триллион сўм** тақдим этиш;

– короновирус пандемиясидан зарар кўрган корхоналарни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш мақсадида уларни 2020 йилнинг иккинчи ярмида **17 триллион сўм** миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш;

– халқаро молия институтлари ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда давлат банклари фаолиятини комплекс диагностика қилиш асосида трансформация дастурларини (йўл хариталарини) ишлаб чиқиш;

– нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни яратиш, Ўзбекистон Республикасининг "Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида" ги Қонунини қабул қилиш;

– банкларда корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаган ҳолда корпоратив бошқарув соҳасида Базель қўмитасининг тамойилларини жорий этиш;

– банкларни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни қайта кўриб чиқиш орқали хорижий стратегик инвесторларни банк секторига жалб этиш шарт-шароитларини шакллантириш;

– халқаро стандартлар асосида тижорат банкларида таваккалчилик тамойили асосида бошқаришни жорий этиш.

б) 2021 йилда амалга ошириш учун таклиф этилган чора-тадбирлар:

– банк операцияларини соддалаштириш, жумладан, кредит бериш бўйича қарорлар қабул қилиш, шунингдек, банк хизматларини рақамлаштириш орқали банк тизими ва тадбиркорлик субъектлари харажатларини камайтириш;

– мулк ёки пул шаклида гаров талаб қилмайдиган, шу жумладан, ишонч, лойиҳани молиялаштириш каби кредитлаш воситаларини кенгайтириш;

– мавжуд автоматлаштирилган банк тизимларини баҳолаш учун тижорат банкларининг АТ-аудитини ўтказиш;

– лойиҳа таклифларини шакллантириш ва уларни асослашга ёрдам бериш, ишга туширилгандан сўнг лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, айланма маблағларни ўз вақтида тўлдириш орқали мижозлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

## VI боб. Аҳоли бандлиги, даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш ҳисобига ички талабни рағбатлантиришнинг асосий чора-тадбирлари

Карантин даврида аҳоли бандлигининг қисқариши ва ташқи меҳнат миграциясидан келадиган даромадларнинг камайиши аҳолининг харид қобилиятини пасайтирди ҳамда ички истеъмол бозори имкониятларини сустлаштирди. Экспортни чеклаш билан бир қаторда, истеъмол маҳсулотлари, биринчи навбатда, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг пасайишига сабаб бўлди.

Ички тўлов қобилиятига эга талабнинг тикланиши ва кенгайиши меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромад олишлари бўйича амалга оширилган чоралар билан боғлиқ. Ушбу мақсадлар учун 2020 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитлар ҳажми **4 триллион сўмни** ташкил этади.

Аҳолини иш билан таъминлаш, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини қайта тиклаш, уй-жой, ижтимоий инфратузилмани қуриш ва реконструкция қилиш, янги қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга топшириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар йил охирига қадар **810,6 мингта** доимий иш ўринлари тикланишига,

**302,8 мингта** доимий ва **662,8 мингта** вақтинчалик ҳамда мавсумий иш ўринларини яратилишига имконият беради.

Жумладан, "Ягона миллий меҳнат тизими" орқали **265,2 минг нафар** ишсизлар бўш иш ўринларига жойлаштирилади, **301 минг** киши жамоат ишларига жалб қилинади, **53,6 минг** киши тадбиркорлик ва уй-жой майдонларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ҳамда тикувчилик кооперативларида аъзолик учун субсидиялар билан таъминланади, **42,8 минг** киши бепул тарзда касб-ҳунарга ўқитилади.

Иш ўринларини излаш ва ишга жойлаштириш учун "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий таъминот воситаси (**my.mehnat.uz**) жорий этилиб, унда жорий йилнинг бошидан буён **385 минг** корхоналар қамраб олинди, **3,5 миллион**дан ортиқ ишчиларга электрон меҳнат дафтарчалари юритила бошланди.

Келтириб ўтилган барча чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорлари билан тасдиқланган ҳамда амалий чора-тадбирлар режасига киритилган.

Бандликни, шу жумладан, расмий бандликни кенгайтириш, шунингдек, аҳоли даромадларини ошириш учун қўшимча шароитларни яратиш мақсадида, 2020-2021 йиллар учун амалий чора-тадбирлар режаси қуйидагиларни назарда тутади:

<u>а) 2020 йил якунига қадар:</u>

– аҳолининг камбағал қатламлари билан ишлашнинг амалдаги шаклидан Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт Дастури билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан узвий боғлиқликдаги узоқ муддатли камбағалликни қисқартириш Стратегиясини ишлаб чиқиш асосида камбағалликни қисқартиришга қаратилган стратегик ва дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга ўтиш. Бунда, 4 та мезон (мутлақ, нисбий, моддий депривация ва камбағалликнинг кўп ўлчамли индекси)дан фойдаланиш орқали Тошлоқ туманида синов тариқасида камбағалликни баҳолаш услубиётини амалиётда қўллаш;

– Сирдарё вилоятидаги синов лойиҳаси, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба асосида, айниқса, пандемия шароитида, ижтимоий ҳимоя реестрни жорий қилиш;

– халқаро экспертлар билан биргаликда яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини ҳисоблаш ҳамда қўллаш учун меъёрий базани ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистонда камбағалликнинг ўзига хос жиҳатлари ва омилларини ўрганиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш

соҳасида таҳлилий ва услубий материаллар тайёрлаш учун Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошида марказ ташкил этиш;

– 2020 йил охирига қадар базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоиз** ҳажмидаги бир марталик тўлов (ҳозирги вақтда бу миқдор ҳар ойда тўланади) орқали ўзини ўзи банд қилиш фаолият турларини кенгайтириш, шу жумладан, уй-жой қуриш ҳамда жисмоний шахсларга тегишли квартираларни таъмирлашни киритиш;

– халқаро молия институтлари ҳамда халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий пудратчилар имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш;

– малакасиз хорижий ишчи кучидан фойдаланишни чеклаш;

– туман ёки шаҳар сектор раҳбарининг тавсияси асосида иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсизларга ажратилган микрокредитлар миқдорини **2,5** бараварга ошириш (базавий ҳисоблаш миқдорининг **100** дан **250** бараваригача);

– тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни бошлаш учун ишсизларга давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки 3 ойда транспорт ва ижара харажатларини қоплашга субсидиялар ажратиш;

– маҳаллаларда аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг асосий касб-ҳунарга ўқитиш пунктларини ташкил этиш, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим олиш;

– **150 минг** нафар қайтиб келган меҳнат муҳожирларини меҳнат органлари орқали жамоат ишларига жалб қилиш, шу жумладан, фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштириш ҳисобига иш билан таъминлаш.

<u>б) 2021 йилда амалга ошириш учун таклиф этилган чора-тадбирлар:</u>

– камбағаллик даражаси юқори бўлган ҳудудларда давлат улуши бўлган республика давлат органлари ва корхоналарини бириктириш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси малакасини ошириш мақсадида **3 йил** муддатга грант асосида ўқиган олий ўқув юртлари битирувчилари ҳамда давлат бошқаруви академияси талабаларини ушбу йўналишлар бўйича ишга юбориш амалиётини жорий этиш;

– қишлоқ хўжалиги кооперативларига жалб этиш орқали томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ислоҳотларини давом эттириш;

ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.



– солиқ тўловчилари томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришни енгиллаштиришга ҳамда солиқ юкини қисқартиришга йўналтирилган солиқ сиёсатини такомиллаштириш;

– ўзини ўзи иш билан банд этган фуқароларни рўйхатга олиш ва фаолиятини амалга ошириш тартибини соддалаштириш, шунингдек, қўшимча кредит ресурсларини ажратиш ва солиқ мажбуриятларини соддалаштириш орқали якка тартибдаги тадбиркорлар сонини ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;

– бандликни таъминлаш бўйича бошқа чора-тадбирларнинг (янги иш ўринларини яратиш ва мавжуд қувватлардан фойдаланишни ошириш, инвестиция фаолиятини мустаҳкамлаш, шу жумладан, уй-жой қурилиши соҳаси, бизнес муҳитини яхшилаш, кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг ўзини ўзи иш билан бандлигини қонунийлаштириш) ҳаракатлар режасининг кейинги бўлимлари билан боғлиқлигини таъминлаш.

## VII боб. Ишбилармонлик ва рақобат муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича асосий чора-тадбирлар

Чекланган муддат ва инвестиция ресурслари шароитида аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтириш муаммолари ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг жадал ривожланиши бутун иқтисодиёт учун энг муҳим "ўсиш нуқтаси"дир.

Қисқа муддатли чоралар тармоқ фаолиятини, айниқса, энг кўп зарар кўрган соҳалар фаолиятини тезроқ тиклашга қаратилган бўлиши керак.

а) 2020 йилда амалга ошириш учун таклиф қилинган чоралар:

– **жорий йил охиригача корхоналарнинг банкротлик ҳолатига уринишларини** (ихтиёрий банкротликдан ташқари) **рад этган ҳолда** жойларда давлат органлари томонидан тижорат банклари кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси фаолиятини қайта тиклашда, юқори даражада ёрдам бериш;

– ортиқча тўланган **даромад солиғининг ҳамда ҚҚСнинг ўз вақтида қайтарилиши**ни таъминлаш орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш;

– янги чакана савдо корхоналарини, шу жумладан, қишлоқ жойларда дўконларнинг ташкил этилишини рағбатлантириш орқали **кичик бизнес субъектларига маҳсулотларини улгуржи ва чакана савдоси** учун шароит яратиш;

– **чакана савдо ва хизматлар соҳаси** айланма маблағларига бизнес учун мақбул фоиз ставкалари бўйича кредит ажратишни кенгайтириш;

– кичик бизнес субъектлари учун амалдаги кичик саноат зоналарида ер участкаларини тезкор равишда ажратиш, **аҳолиси 10 минг кишидан ортиқ бўлган барча аҳоли пунктларида кичик саноат зоналарини ташкил этиш учун ҳудудларни танлаш**;

– тадбиркорлик фаолияти ва рақобат муҳитининг эркинлигини **чекловчи меъёрларни аниқлаш мақсадида қабул қилинган қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш**.

Кичик бизнес субъектлари ривожланишининг олдинги босқичларидан фарқли ўлароқ, **нафақат уларнинг сони, балки ушбу соҳадаги сифат ўзгаришлари** ҳам тубдан муҳим аҳамият касб этмоқда. У янада технологик ва инновацион аҳамиятда бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан, ислоҳотларни давом эттириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

<u>б) 2021 йилда амалга ошириш учун таклиф қилинган чоралар:</u>

– **кичик бизнес субъектлари учун мезонларни аниқ белгилаш**, корхоналарни тегишли бизнес тоифаси бўйича таснифлашига қараб имтиёзлар (рақобат муҳитини бузмаган ҳолда) бериш;

– муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси, шунингдек, ер фондидан самарали фойдаланиш учун давлат ва хусусий харажатларни минималлаштириш мақсадида **кичик бизнес субъектларини кичик саноат зоналарида жойлаштиришга юқори даражада эътибор қаратиш;**

– корхоналарнинг ҳажми, бизнес-стартап ва технологик инновацияларидан қатъи назар, **хусусий сектор корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш**, шу жумладан, венчур капиталини ривожлантириш ва акциядорларга инвестицияларни жалб қилиш;

– кичик саноат зоналарида ер участкалари архитектура-режалаштириш амалга оширилгандан кейингина кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш учун амалга ошириладиган тартибни белгилаш. Биноларнинг қурилиши, одатда, 2-3 қаватли қурилишда амалга оширилади. <u>Шу билан бирга, кичик саноат зоналарида жойлашган корхоналар учун ягона афзаллик бу – зона чегараларига муҳандислик коммуникация ва йўлларни марказлаштирилган равишда олиб кириш, шунингдек, уларга кичик саноат зонаси резидентлари учун киришни таъминлаш</u>;

– Инвестиция дастурида **кичик саноат зоналарига муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмасини яратишга капитал қўйилмалар ҳажмини** алоҳида йўналиш сифатида ажратиш;

ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.



– Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланган лойиҳаларни амалга ошириш учун фақат инновацион “стартап” компанияларга, уларга резидентлик ҳуқуқини бериш билан **технопарклар шаклида** вилоят марказлари ва шаҳарларида камида битта кичик саноат зонасини яратиш;

– **хусусий мулк ҳуқуқларини сўзсиз ҳимоя қилиш**га қаратилган суд тизимини ислоҳ қилиш.

## VIII боб. Саноат ва маҳаллийлаштириш соҳасидаги асосий чора-тадбирлар

Жорий йилнинг март-апрель ойларида коронавирус пандемияси билан боғлиқ ички ва ташқи чеклов чоралари натижасида 2020 йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **98,1 фоизни** ташкил этди.

Ташқи талабнинг қисқариши (газ ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, тўқимачилик), импорт қилинадиган қисмларни етказиб беришни чеклаш (электротехника, фармацевтика) ва ички талабнинг қисқариши (электр энергиясини ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, маиший техника, мебель) тармоқларда ишлаб чиқариш фаоллигининг пасайишидаги асосий омиллар сифатида хизмат қилди.

а) қисқа муддатли чора-тадбирлар:

– саноат корхоналарига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (шу жумладан, секторлар вакиллари), хўжалик бирлашмалари ва республика иқтисодий органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан (муаммолар даражасини ҳисобга олган ҳолда) қувватлардан фойдаланишнинг карантиндан олдинги даражасини (тўлиқ фойдаланишга киришни режалаштириш билан) тиклашда мақсадли ёрдам кўрсатиш;

– учта ёки ундан ортиқ иштирокчи - маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (кабель ва симлар, электротехника, тўқимачилик, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотларининг ва ҳ.к.) иштирокида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида давлат харидлари тендерларини ўтказиш;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қароридаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг тегишли бандлари бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан давлат харидларини амалга оширишда ўрнатилган чекловларни ечиш;

– давлат харидларида маҳаллий қурилиш материаллари (цемент, металл буюмлар) тўлиқлигини қатъий назорат қилиш;

– кузги-қишки захира учун асосий озиқ-овқат маҳсулотларини (гурунч, картошка, сабзи, пиёз) сотиб олиш учун ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш;

– товар бозорларида адолатли рақобатни таъминловчи ва ички ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширувчи саноатга хос "Рақобатбардошлик йўл-хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун онлайн мониторинг тизимини ишга тушириш (www.localization.ijro.uz).

**ёқилғи-энергетика ва кимё саноатида:**

– республикадаги электр энергияси ишлаб чиқарувчи кувватлардаги солиштирма шартли ёқилғи сарфи миқдорини **340** дан **216 гр** камайтириш орқали табиий газ истеъмолини **1,5 бараварга** пасайтириш;

– “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020 йилга мўлжалланган табиий газ қазиб олиш прогнозини таъминлаш учун (қўшимча равишда **4,47 миллиард** кубометр табиий газ қазиб олиш) **36 та** технологик чора-тадбирлари бўйича қурилиш-монтаж ишларини ўтказиш, **121 та** янги қудуқни бурғулаш ишлари ҳамда **549 та қудуқни** капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

– “Навоийазот” АЖда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш ҳамда “Қўқон суперфосфат заводи” АЖда суперфосфат ишлаб чиқариш учун янги ишлаб чиқариш объектларини лойиҳадаги қувватларига етказиш;

– дунёнинг етакчи мамлакатларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, **0,4-6-10 кВ** паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва реконструкция қилиш бўйича мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– эскирган юқори кучланишли **35-110 кВ** ва **220-500 кВ** линияларни ва подстанцияларни янгилаш ва модернизация қилиш дастурларини ишлаб чиқиш.

**металлургия ва геология саноатида:**

– минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида фойдали қазилмаларнинг янги истиқболли майдонларини қидириш улушини 2020 йилда **35 фоизга** ошириш;

– геология-қидирув ишлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни тузишнинг халқаро стандартларини жорий қилиш, фойдали қазилма конларини JORC Кодексига асосан қайта баҳолаш ва Давлат балансидаги

захиралар балансининг ҳисобини юритиш учун JORC бўйича баҳолаш натижаларидан фойдаланиш;

– илмий ташкилотлар, ўқув муассасаларини йирик ва кичик бизнес корхоналари ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлигини боғлаш;

– автомобилсозлик саноатини, камёб металлардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва унинг хомашё базасини ривожлантириш мақсадида маҳаллий хомашё ресурслари негизида қўрғошин-калцийли, қўрғошин-никелли ва бошқа турдаги қотишмаларни ажратиб олишда инновацион технологияларни ишлаб чиқиш (кам учрайдиган металлардан фойдаланиш билан) ва жалб қилиш;

– қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиб товар маҳсулотига айлантириш имконини берувчи, бирламчи ишлаб чиқариш ва бойитишда, шунингдек, иккиламчи техноген хом-ашёдан йўлдош металларни ажратиб олувчи, янги технологияларни ишлаб чиқариш;

– рангли, қимматбаҳо ва ноёб металларини хорижий компаниялар билан биргаликда қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорлик қилиш, бу рангли металлургия маҳсулотларининг тижорат таркибини яхшилайди, унинг рақобатбардошлигини ва бозор талабларига мувофиқлигини оширади;

– “Мурунтоғ” карьерида кон-транспорт комплексини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

– молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ шакллантириш жараёнини автоматлаштириш;

– стратегик аҳамиятга эга бўлган қаттиқ фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун лицензиялаш тизимини такомиллаштириш;

– замонавий юқори самарали геология-қидирув ускуналарини жорий этиш ва илғор техникалар билан таъминлаш.

**қурилиш материаллари саноатида:**

– геология-қидирув ишлари, маҳаллий хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш саноатининг хом ашё базасини кенгайтириш;

– цемент ва ойна ишлаб чиқарувчи хусусий корхоналар сони ва қувватини сезиларли даражада ошириш орқали, ушбу турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни демонополизация қилиш ва келгусида цемент ва ойнани монопол маҳсулот турлари қаторидан чиқариш;

– соҳадаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ орқали хорижий банкларнинг **175 миллион долларлик** узоқ муддатли кредит линияларини жалб қилиш;

ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.



**машинасозлик соҳасида:**

– Республикада автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи барча корхоналар учун тенг шароитлар яратилишини назарда тутувчи "Автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш саноати тўғрисида"ги Низомни қабул қилиш;

– Қозоғистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Озарбайжон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларда ҳам автотранспорт воситаларининг саноат усулида йиғишни ташкил этиш бўйича ишларни жадаллаштириш;

– электромобиллар бозорини ривожлантириш учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича "мақсадли дастур" ишлаб чиқиш;

– "ERP" (ишлаб чиқариш жараёни ва сотишни ҳисобини юритиш) замонавий автоматлаштирилган ҳисобот юритиш тизимини жорий этиш;

– қишлоқ хўжалиги техникаларининг нархларини пасайтириш мақсадида, металл прокат истеъмоли учун белгиланган стандартларни қайта кўриб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги техникаларининг пластмасса қисмлари, ғилдирак дискларини ишлаб чиқариш ва металл қуйиш цехини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

– электротехника маҳсулотларининг экспортини ошириш мақсадида, чегарадош ҳудудларда савдо зоналарини яратиш (Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари);

– мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ҳажмини **49 минг** тоннагача ошириш, мисни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр махсулотни (электротехника ва бошқа соҳаларда) ишлаб чиқариш имкониятларини яратиш мақсадида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш;

– электротехника саноатидаги стандартларни халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириш.

**истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда:**

– **17 та** тўқимачилик корхоналарининг **569,1 миллиард сўм** кредит қарзларини тўлаш графикларини инвентаризация қилиш;

– нархларни белгилаш механизмларини такомиллаштириш, дори воситиларини маркировкалаш ва кузатиш тизимини жорий қилиш;

– озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида махсус алоҳида савдо майдончасини яратиш;

– озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларни давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш;

– Республиканинг барча ҳудудларида чакана савдо қоидаларига риоя қилган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан "кўчма савдо"ни ривожлантириш орқали тайёр маҳсулотларни сотиш ҳажмини кенгайтириш.

б) тармоқ ислоҳотларини давом эттириш чоралари:

– давлат улуши иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, шу мақсадда хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

– давлат корхоналарини хусусийлаштиришни жадаллаштириш мақсадида қарз воситалари ва акциялар бозорини ривожлантириш.

– собиқ "Тошкент механика заводи" мисолида ҳудудларда мавжуд бўлган, бўш турган ва кам қувватда ишлайдиган объектлар негизида технопарклар яратиш;

– иқтисодиётда энергия барқарорлигини таъминлаш учун ижтимоий лимит ёки компенсация механизмининг жорий этилиши билан энергия бозорини (табиий газ ва электр энергияси) эркинлаштириш ва ушбу соҳага хусусий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

**ёқилғи-энергетика ва кимё саноатида:**

– ишлаб чиқарувчилар томонидан суюлтирилган газни сотишни фақат биржа савдолари орқали амалга оширишга ўтиш;

– гидроэнергетика соҳасида янги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш;

– "Ўзбеккўмир" АЖни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

– логистика тизимини такомиллаштириш учун темир йўл вагонларига онлайн ариза бериш тизимини қўллаш ҳамда шу орқали мурожаат ҳолатини кузатиш имкониятини жорий этиш;

– Навоий вилоятидаги Сангрунтов Актау конларида сланецли газни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишни ўрганиш;

– давлат улуши иштирокидаги тармоқ корхоналарини инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда хорижий инвесторларга сотиш.

ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.



**металлургия ва геология саноатида:**

– кон-транспорт комплексини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш орқали "Ёшлик-I" конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш;

– қимматли компонентларни ажратиб олиб товар маҳсулотига айлантириш имконини берувчи, бирламчи ишлаб чиқариш ва бойитишда, шунингдек, иккиламчи техноген хомашёдан йўлдош металларни ажратиб олувчи янги технологияларини ишлаб чиқариш;

– минерал-хом-ашё (камёб элементлар, вольфрам, молибден, қалай, никель каби) конларида (шу жумладан, кам тонналы) тадқиқот ишларини олиб бориш, комплекс қайта ишлаш бўйича янги технологияларини ишлаб чиқиш ва ушбу металларни ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳаларни ташкил этиш;

– кукунли металлар ва рангли металларни қайта ишлаш, зангламайдиган пўлатдан ясалган буюмлар ва ундан навли прокат ишлаб чиқариш учун устувор технологияларни ишлаб чиқариш;

– минерал гидроресурслар (пласт сувлар, минераллашган сув)ни саноат ишлаб чиқаришга жалб этиш учун камёб металлардан тузларни ажратиб олиш бўйича ихтисослашган ишлаб чиқаришни (корхона) яратиш;

– рангли металларга асосланган ҳолда юқори даражада ишлов берилган маҳсулотлар улушини ички бозордаги талабнинг умумий ҳажмидан келиб чиқиб ошириш;

– янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш учун давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланган ҳолда янги объектлар қурилишини молиялаштиришни ташкил этиш;

– тадбиркорлик субъектларининг кичик қуюв цехларини яратиш лойиҳаларини амалга оширишда иштирокини чеклайдиган қора ва рангли металларнинг парчалари, чиқиндиларни сотиб олиш ва уларни қайта ишлаш бўйича монополия тартибини бекор қилиш;

– фойдали қазилмаларнинг истиқболли майдонларини қидиришни 2021 йилда **40 фоизга** етказиш;

– бозорбоп норуда қазилмаларни (кварц қуми, доломит, пардозбоп тошлар, базальт, графит ва бошқалар) излаш улушини кескин ошириш;

– геологик ҳисоботларни рақамли форматга ўтказиш ҳамда жаҳон талабларига мос электрон маълумотлар базасини яратиш.

**қурилиш материаллари саноатида:**

– қурилиш материалларини диверсификация қилиш ва унинг турларини кенгайтириш, устувор йўналишларга мувофиқ маҳаллий хом ашёдан цемент, қурилиш ойнаси, замонавий энергия тежайдиган деворбоп материаллар, керамик плиткалар ва маҳсулотлар, табиий тош ва композицион материаллардан тайёрланган маҳсулотлар, пардоз материаллари ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш;

– қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини камайтириш (қуруқ ишлаб чиқариш усулда ёқилғи сарфини **127** ш.ё. гача камайтириш);

– пишган ғиштнинг анологик ҳажмини ишлаб чиқаришга нисбатан табиий газ сарфини **6 баробарга** камайтириш имконини берувчи деворбоп материаллар ишлаб чиқаришда, пишган ғишт ишлаб чиқаришдан энергия тежайдиган деворбоп материалларга (газобетон ёки ғовакли пенобетон) босқичма-босқич ўтиш;

– цемент ишлаб чиқариш корхоналари негизида қурилиш материаллари кластерини яратиш.

**машинасозлик соҳасида:**

– халқаро консалтинг компанияларни жалб қилган ҳолда, автомобилсозлик саноатини ривожлантириш Стратегиясини ишлаб чиқиш;

– автомобилсозлик саноатида жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари (Япония ва Жанубий Корея) тажрибаларидан келиб чиқиб, ҳар 5 йилда ишлаб чиқарилаётган автомобиль турларини янгилаш;

– автомобилсозлик саноатида маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлатиладиган хом ашёлар асосий турларини маҳаллийлаштириш (пўлат, ясси шиша, каучук);

– автомобилсозлик саноатида юқори технологик эҳтиёт қисмларини (шасси, трансмиссия, рул бошқаруви) маҳаллийлаштиришни асосий йўналиш этиб белгилаш;

– технологик ускуналарни (штамплаш, пайвандлаш, бўяш ва йиғиш линиялари технологиялари) ишлаб чиқиш ва ривожлантириш;

– соҳанинг муҳандислик салоҳиятини ривожлантириш (иккиламчи бозор учун бутловчи қисм, аксессуарлар ишлаб чиқариш ва тюнинг);

– миллий бренд остида стандартлаштирилган трактор моделларини оммавий ишлаб чиқариш;

– “**Lean менеджмент**”, “**Кайдзен**”, “**5S**”, “**Канбан**” технология ва стандартлари асосида камхарж усулларда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;

– қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш мақсадида, баъзи кам самарали корхоналар таркибини қайта қуриш ва бир турдаги техника ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш;

– импорт қилинаётган тайёр электротехника ва электромаиший техника маҳсулотларига утилизация йиғимини жорий этиш;

– электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган етакчи хорижий компанияларни жалб қилиш;

– электротехника саноатида энергия ва бошқа ресурсларни тежайдиган технологияларни, шу жумладан, қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш ва илғор технологияларни жорий этиш орқали энергия самарадорлигига эришиш;

– мудофаа саноатида янги авлод электротехника маҳсулотлари ва саноат жиҳозлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

– Кореянинг Илғор Технологиялар Институти (KAIST), Токио Илғор Технологиялар Институти (Япония), «Нанянг» Технология Университети (Сингапур), «Цинхуа» университети (Хитой) вакиллари билан музокаралар ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида Тошкентда соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида, электроника ва электротехника соҳасидаги мустақил ўқув юртини ташкил қилиш.

**<u>истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда:</u>**

– тижорат банклари томонидан экспортдан олдинги молиялаштиришни камида **6 ой** муддатга айланма линиялар шаклида тақдим этиш амалиётларини жорий этиш;

– 2020-2022 йилларда **150 миллион доллар**дан кам бўлмаган миқдорда чарм-пойабзал саноатидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий банкларни узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш;

– республикада, шу жумладан, мавжуд кичик бизнес субъектлари негизида қўшма корхоналарни ташкил этиш учун тайёр маҳсулотларни тикиш бўйича йирик буюртмаларни шакллантириш ҳамда экспортбоп тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган жаҳон брендларини жалб қилиш;

– халқаро ташкилотлар кўмагида, тармоқ корхоналарига АҚШ ва Европада тан олинган замонавий халқаро сертификатларни олишни ташкил этиш;

– корхоналарда сифат бошқаруви тизимини ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ илғор технологияларни жорий этиш;

– Европа Иттифоқи, Туркия, Корея, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлардан кийим-кечак, трикотаж, чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи мутахассисларни маслаҳатчи сифатида соҳани ислоҳ қилиш бўйича жалб этиш;

– хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда юқори малакали кадрлар (технолог ва дизайнерлар), уларни замонавий усулларда ҳамда ишлаб чиқариш учун инновацион ёндашувларга ўргатиш бўйича чет эл университетларини (Европа Иттифоқи, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Россия) ташкил этиш;

– фармацевтика саноатида кадрларни тайёрлаш учун Буюк Британиянинг илғор университетларини (Де Монтфорт, Сандерленд, Данди) жалб қилиш;

– ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида истеъмол товарлари ва қайта ишланган маҳсулотлар учун янги қувватлар ва омборлар яратиш.

## IX боб. Инвестиция муҳити, инвестиция ва қурилиш соҳасидаги асосий чора-тадбирлар

2020 йил 1-ярим йиллигида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми **84,8 триллион сўм** (прогноз – **104 триллион сўм**) ёки ўтган йил мос даврига нисбатан **87,2 фоизни** ташкил этди.

Харажатларни оптималлаштириш натижасида марказлашган маблағлар ҳисобига инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **35,4 фоизга**, аҳоли маблағлари эса – **25,7 фоизга** қисқаради.

Шунингдек, таркибий ислоҳотларни ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яратиш қисми бўйича давом эттириш ва марказлашган инвестициялардан фойдаланишни кўпайтириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

<u>а) қисқа муддатли чора-тадбирлар:</u>

– асосий капиталга инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми (барча молиялаштириш манбалари ҳисобига) **216,8 триллион сўм**ни, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – **6,7 миллиард доллар**, давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар – **2,4 миллиард долларни** ташкил этиши прогнозлаштирилмоқда;

– **206 та** янги йирик ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш (Шўртан ГКК тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш, “Навоийазот” АЖ негизида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш, Тахиатош ИЭСда 230-280 МВт қувватдаги 2-буғ-газ қурилмасини ишга тушириш);

– Ўзбекистон Республикаси номидан ёки давлат кафолати остидаги ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича янги имзоланадиган келишувларга ўрнатиладиган йиллик лимитлар доирасида бюджетни қўллаб-қувватлаш ҳамда соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви таъминоти ва оқава, инфратузилма ва йўл қурилиши, энергетика ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг молиявий маблағларини жалб қилиш;

– **420 миллион доллар** миқдоридаги грант маблағларини жалб қилиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

– 2021-2027 йиллар учун ЕИ-Ўзбекистон ҳамкорлиги янги индикатив дастурини ишлаб чиқиш, мазкур дастур доирасида “коронавируснинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтириш”ни яқин йиллар учун ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйиш;

– хорижий инвесторларга кўзда тутилган имтиёзлар тизимини маҳаллий инвесторларга қўллаш орқали уларни рағбатлантириш;

– қуйидагиларга **инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг тўлиқ ва узлуксиз 3 босқичли тизимини** жорий этиш:

– тармоқ (соҳа) ва бутун иқтисодиёт ривожи учун лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги, устуворлиги ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги баҳоланишини таъминлаган ҳолда инвестиция давридан олдин (лойиҳанинг ТИАни тасдиқлашдан олдин) таклифларни тайёрлаш;

– инвестиция даври учун мониторингни амалга ошириш (заём, қарз шартномалари имзоланган даврдан бошлаб лойиҳани фойдаланишга топширгунга қадар);

– лойиҳа фойдаланишга топширилгандан сўнг, ундан фойдаланиш даврида (эксплуатация) белгиланган натижаларга эришиш жараёнини мониторинг қилиш;

– иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда **давлат хусусий шерикчилиги асосида тармоқ ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш**;

– туман (шаҳар) марказларини сифатли оқава сув тизимлари билан таъминлашни инобатга олган ҳолда **Ичимлик суви таъминоти**

ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.



**ва оқава сув тизимларининг ривожланиш дастурлари ва концепцияларини** қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш;

– **умумтаълим мактабларини қуриш ва реконструкция қилиш учун** энерготежамкорлик, **24** ўқув ўрнигача сиғимли ва бошқа талабларни инобатга олган ҳолда **намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш**;

– тармоқ ва ҳудудларни ривожланиш суръатларини таъминлаш мақсадида **хом-ашёдан - тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш занжирини ўзида мужассамлаштирган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида таклифлар тайёрлаш** (биринчи навбатда, тери, ипак ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ҳамда "ОКМК" АЖ ва "Ўзэлтехсаноат" уюшмасида мисни чуқур қайта ишлашга эътибор қаратиш лозим).

Юқоридаги чора-тадбирлар билан бирга қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

– Давлат бюджети даромадларини прогнозлаш параметрларида фойдаланиш мақсадида солиқ ва божхона маъмуриятчилигида янги ахборот тизимларини (онлайн ККМ, электрон ҳисобварақа, дала ҳовли ва турар жойни ижараси, ўзини ўзи банд қилиш, алкогол маҳсулотларни маркировкалаш ) жорий этишни кучайтириш;

– қурилиш соҳасидаги манзилли ишлар ҳисобидан солиқ тўловчиларнинг солиқ тушумлар тўлиқлигини таъминлаш, шунингдек, иш ҳақи фондини камайтириш ва ишчилар сонини яшириш фактларининг олдини олиш;

– тадбиркорлик субъектлари томонидан пластик карталарни қабул қилиш, касса машиналарида назорат чекларини бериш, шунингдек, солиқдан қочишнинг бошқа яширин ҳолатлари юзасидан назоратни кучайтириш.

<u>б) 2021 йилда қўллаш юзасидан чора-тадбирлар:</u>

– камбағалликни камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан "Давлат инвестицияларини бошқариш" (PIMA - Public Investment Management Assessment) томонидан олинган баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2021 йилдан бошлаб **инвестиция лойиҳаларини танлаб олишнинг мезонларини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

– биринчи навбатда, юқори **кумулятив самара кўрсатадиган** (саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва аҳолини ҳудудларда юқори тақсимланиш даражасини инобатга олиб) инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан **бюджет**

**маблағларини самарали ва оқилона тақсимлаш мақсадида бюджет ресурсларини қайта йўналтириш**;

– тармоқ ва ҳудудларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги салоҳиятидан келиб чиқиб, устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда, **2025 йилга қадар мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

– 5 та ҳудудда "**Лойиҳалар фабрикаси**" механизмини амалиётга жорий этиш (Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида);

– кўприклар ва йўл ўтказгичларни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини инобатга олган ҳолда, 2030 йилгача мўлжалланган **автомобиль йўлларини комплекс ривожлантириш дастурини** ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги соҳасининг қайта шаклланиши ва ривожланишини инобатга олган ҳолда, 2030 йилгача мўлжалланган **ирригация ва мелиорация тизимларини комплекс ривожлантириш дастурларини** ишлаб чиқиш;

– 2030 йилгача мўлжалланган **биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш объектларини комплекс ривожлантириш концепциясини** ишлаб чиқиш;

– аҳоли яшаш массивларини қуриш ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш орқали туман (шаҳар) марказларида **урбанизация жараёнини ривожлантириш,** шунингдек, шаҳар ва унга туташ туманлар орасида саноат кооперациясини ривожлантириш;

– чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг даромадини мамлакат ҳудудларига **қайта инвестиция киритишга** жалб қилиш;

– мавжуд ва барпо этилаётган майдонлардан оқилона ва самарали фойдаланишни инобатга олган ҳолда, **қурилиш меъёрлари ва қоидаларини** замонавий талабларга (халқаро стандартларга) мослаштириш.

## X боб. Хизматлар ва рақамлаштириш соҳасидаги энг муҳим чора-тадбирлар

Коронавирус пандемияси хизматлар соҳасига, айниқса, транспорт хизматлари, меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш, ноистеъмол товарлари билан савдо қилиш, таълим хизматининг барча турлари, санъат ва дам олиш объектлари хизмати соҳасига нисбатан кучли таъсир қилди.

ҚҲММБ: 09/20/526/1253-сон
29.08.2020 й.



Ушбу соҳалардаги корхоналар фаолиятининг қисқартирилиши карантин чораларига ва гавжум жойларда инфекция тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ.

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида кўрсатилган **хизматлар ҳажми 2,6 фоизга ўсди,** шу жумладан, **транспорт хизматлари – 9,1 фоизга** камайди, **савдо – 0,8 фоизга** ўсди, **яшаш ва умумий овқатланиш – 17,1 фоизга** камайиши кузатилди.

Шу билан бирга, **банк-молия**, **ахборот ва телекоммуникация** ҳамда **тиббиёт** каби тармоқлар қўшимча имкониятларга эга бўлди.

Хусусан, масофавий банк хизматларига бўлган талабнинг ортиши **молиявий хизматлар** ҳажмининг **35,9 фоизга** ўсишига туртки бўлди.

Аҳолининг Интернет тармоғига узлуксиз уланиш имконияти билан таъминлаш, электрон тижорат каналларининг ишлаши, мактаб ўқувчилари ва университет талабалари учун онлайн дарсларни трансляция қилиш, видеоконференциялар ўтказиш, масофавий ишларни ташкил этиш ва карантин шароитида ижтимоий тармоқларни фаоллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида **ахборот-коммуникация хизматлари 15,1 фоизга** ўсди.

Хизматлар соҳаси, айниқса, **савдо ва умумий овқатланиш** корхоналари фаолиятини тиклашда асосий муаммо коронавирус пандемияси даврида уларнинг фаолиятини тиклашга эҳтиёткорлик билан ёндашишдир. Шу муносабат билан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

– ноозиқ-овқат товарлари савдосининг замонавий шаклларини ташкил этиш ва кенгайтириш ("Экобозор", "Корзинка" ва "Макро" каби йирик савдо тармоқлари тажрибаларига асосланган ҳолда);

– умумий овқатланиш, тозалаш, ювиш ва тикиш, маиший техникаларни таъмирлаш каби замонавий хизматлар кўрсатувчи савдо ташкилотлари тармоғини ривожлантириш, бу ўз навбатида, банк тизими орқали молиявий айланмаларни фаоллаштиради ва бюджетга солиқ тушумларини оширади, шунингдек, савдо тизимидаги рақобатни оширади ва мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштиради;

– улгуржи савдонинг барча турларида, жумладан, қишлоқ жойларда хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозорларига кириш имкониятини кенгайтиришга қаратилган рақобат муҳитини шакллантириш;

– "дала-пештахта" тамойилига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги бозорларига маҳсулотларни тўсиқсиз етказиб берилишини таъминлаш.

**Кўплаб хизмат кўрсатиш корхоналари** учун жорий йилнинг охиригача **тикланиш омили бу – уларни қисқа муддатли айланма маблағлари билан таъминлаш**, санитария-гигиена талабларини жорий этиш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни ажратиш ва тезкор тарзда фаолият юритишга рухсат беришдир.

**Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашда туризм** ва **меҳмонхона бизнесига** алоҳида этибор қаратиш лозим. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида туристик хизматлар экспорти ҳажми **203,2 миллион долларни** (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **66,3 фоизга** кам) ташкил этди.

Ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган қарорларни ҳисобга олган ҳолда, **барча тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тезкор равишда тасдиқлаш ва уларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини ҳар ойда қаттиқ назорат** қилиш талаб этилади.

**Жорий ва келгуси йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий "ўсиш нуқтаси" ахборот технологиялари соҳаси бўлади.**

Хизматларнинг узлуксизлигини таъминлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш натижасида, шунингдек, карантин даврида аҳолининг телекоммуникация хизматларига бўлган талабининг ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда, АКТ фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони **16,1 фоизга** ўсди ва **8,4 мингтани** ташкил этди, шундан дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилар **2,5 минг** корхонани ташкил этади (**19,9 фоизга** ўсиш).

**9 186 та** (**47 фоиз**) ижтимоий соҳа объектларига **7 068 км** оптик-толали алоқа линиялари ўрнатилди ва бунинг натижасида **4 693 та** (**46 фоиз**) мактаб, **2 811 та** (**49 фоиз**) мактабгача таълим ҳамда **1 682 та** (**48 фоиз**) соғлиқни сақлаш муассасаларида юқори тезликдаги Интернетга уланиш имкони яратилди.

**11 та** инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида **119,7 миллион доллари** миқдорида ёки прогнозга нисбатан **130 фоиз** инвестициялар ўзлаштирилиши кутилмоқда (ўсиш суръати – **2,4 баравар**). **6 минг км** дан ортиқ оптик-толали алоқа линиялари ҳамда **281 мингта** уланиш портлари ўрнатилди.

"Жиззах" ЭИЗ ҳудудида йилига **50 минг км**гача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга оптик-толали кабель маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

Натижада, АКТ соҳасидаги хизматлар ҳажми **5,7 триллион сўмни** ташкил этиб, ўсиш суръати **122 фоизга** тенг бўлиши прогноз қилинмоқда, шу жумладан, дастурий маҳсулотлар ҳажми **435 миллиард сўмга** (ўсиш суръати **104,3 фоиз**) ўсиши кутилмоқда.

АКТ хизматлари экспорти ҳажми **30 фоизга** ўсиб, **78 миллион долларни**, шундан дастурий маҳсулотлар – **6,8 миллион долларни** ташкил этиши кутилмоқда.

Интернет тезлиги **6 фоизга**, мобиль интернет тезлиги эса **18 фоизга** ошди.

Рақамлаштиришни янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги устувор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

а) 2020 йил якунига қадар:

– Интернет тезлигини **10 фоизга**, мобиль Интернет тезлигини эса **22 фоизга** ошириш;

– камида **700 минг** кенг полосали уланиш портларини ўрнатиш ва уларнинг умумий сонини **2,8 миллионга** етказиш орқали Интернетга уланиш имкониятини кенгайтириш;

– Республика бўйича **1 052 та** мобиль алоқа базавий станцияларини ўрнатиш ва уларнинг умумий сонини **28,3 мингтага** етказиш орқали мамлакатнинг аҳоли пунктларини қамраб олиш даражасини **70 фоиздан 90 фоизга** ошириш;

– Тошкент шаҳрида мобиль Интернет тармоғининг бешинчи авлодини (**5G**) жорий этиш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш;

– режалаштирилган **6 минг кмга** қўшимча **1,5 минг км** оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва уларнинг умумий узунлигини **50 минг кмга** етказиш орқали телекоммуникация хизматлари сифатини яхшилаш;

– халқ таълими муассасаларининг **70 фоизини** ҳамда мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг **100 фоизини** юқори тезликдаги Интернетга улаш;

– “Ўзбектелеком” АК маълумотлар сақлаш ва қайта ишлаш марказининг (маълумотлар маркази) сиғимини **5 бараварга** кенгайтириш (**5 Петабайтгача**);

– дастурлаш, график дизайн, электрон тижорат асослари бўйича ёшларни ўқитиш учун барча ҳудудларда **рақамли технологиялар бўйича ўқув марказларини** очиш;

– Олий таълим ва халқ таълими муассасаларининг **Интернет-ресурсларига бепул кириш** имкониятини яратиш (**14 та** таълим ресурслари);

**– электрон ваучер ва кэш-бэк хизмати тизимини** ривожлантириш орқали электрон тижоратни такомиллаштириш;

– **электрон тижорат соҳасида** қонун ҳужжатлари, статистик ҳисоб ва солиқ тизимини такомиллаштириш;

– электрон соғлиқни сақлаш соҳасидаги ахборот тизимларини, жумладан "Ягона электрон тиббий карта", "Поликлиника" ва "Лаборатория" тизимларини, **COVID-19** коронавирусини юқтирган шахсларни рўйхатга олиш маълумотлар базасини ҳамда карантин даврида ҳаракатланиш учун рухсат бериш тизимини жорий этиш;

– ўқув ахборот тизимлари ва дастурий таъминот маҳсулотларини, шу жумладан, мактаблар учун электрон кундалик ва журнал тизимини, таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатларни онлайн қабул қилиш ("Абитуриент") тизимини ҳамда олий ўқув юртларида масофавий таълим платформасини жорий этиш;

– Ягона интерактив давлат хизматлари порталини модернизация қилиш ва унинг мобил иловасини ижтимоий ҳимоя, нотариал фаолият, ҳужжатларни расмийлаштириш, тўловларни амалга ошириш ва бошқаларга доир камида **50 та** янги электрон хизматларни жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш;

– электрон хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида электрон ҳукумат фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизимини модернизациялаш;

– "Электрон лицензиялаш" тизимини модернизациялаш, лицензия ва рухсатномалар турларининг камида ярмини электрон шаклга ўтказиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган электрон ҳукумат ахборот тизимини жорий этиш;

– Тошкент шаҳридаги IT-Парк ижтимоий инфратузилма объектларини ҳамда Ал-Хоразмий номидаги ихтисослашган IT-мактаб ҳудудида ва вилоятларда (Наманган, Бухоро, Самарканд, Урганч, Нукус, Гулистон шаҳарларида) унинг филиалларини қуриш;

– жамоавий молиялаштиришни (краудфандинг) ташкил этишга қаратилган инвестиция платформаларидан фойдаланган ҳолда стартап-лойиҳаларни молиялаштиришнинг альтернатив механизмларини жорий этиш;

– IT -парк резидентларининг лойиҳаларини хорижда тарғиб қилиш мақсадида АҚШда IT-Парк ваколатхонасини очиш;

– Интернет-дўконлар билан ишлаш ва ўз маҳсулотларини ташқи савдо майдончаларида реклама қилиш бўйича тадбиркорларни онлайн ўқитиш учун платформа яратиш;

– юридик аҳамиятга эга бўлган электрон ҳужжатларни ҳисобга олиш ва етказиб бериш давлат ахборот тизимини жорий этиш.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2020 йил якунигача АКТ хизматлари ҳажмини **8 фоизга** ва дастурий маҳсулотлар ҳажмини **20 фоизга** ошириб, АКТ хизматлари экспортини **172 миллион** долларга, жумладан, дастурий маҳсулот экспортини **20 миллион** долларга оширишга имкон беради.

б) ўрта муддатли чора-тадбирлар ва бошланган таркибий ислоҳотларни давом эттириш:

– тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда маҳаллий уяли алоқа операторларининг давлат активларини босқичма-босқич сотиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– минтақавий ва халқаро маълумот ўтказиш тармоқларининг вилоят марказига ўтказиш имкониятини **400** Гбит/с гача (**2 баравар**) ва вилоят марказидан туман марказигача **60** Гбит/с га (**1,5 баравар**) ошириш;

– халқаро алоқа каналларининг ўтказиш имкониятини **3 000 Гбит/с** гача (**2,5 баравар**) ошириш орқали халқаро коммуникация марказларини кенгайтириш;

– қишлоқ жойларда қўшимча **2,2 мингта** базавий станцияларни ўрнатиш ва уларнинг умумий сонини **30,5 мингтага** етказиш орқали уяли алоқа сифатини яхшилаш;

– республиканинг барча ижтимоий муассасалари, қишлоқ ва маҳаллаларини юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш бўйича ишларни якунлаш;

– сиғими **100 Петабайт** бўлган иккита янги корпоратив маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ва **20 Петабайт** сиғимига эга бўлган электрон ҳукумат марказларини қуриш;

– давлат божлари ва йиғимларини камида ярмини электрон тўлов шаклига ўтказиш ҳисобига электрон ҳукуматнинг ягона биллинг тизимини модернизациялаш;

– республиканинг бошқа минтақаларида (Жиззах, Қарши, Навоий ва Термиз) IT-Парк фаолиятини кенгайтириш ва **10 та** олий ўқув юртларида стартап-лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш марказларини яратиш;

– "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг электрон савдо майдончаси учун ахборот тизимини яратиш ва уни хорижий Интернет платформалари билан интеграциялаш.

## XI боб. Экспорт соҳасидаги асосий чора-тадбирлар

Ушбу босқичда экспортёрлар дуч келадиган асосий қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

а) экспортга етказиб беришда тўлов муддатларининг ошиши сабабли, айланма маблағларнинг етишмаслиги;

б) экспорт бозорларида маҳаллий маҳсулотларга бўлган талабнинг қисқариши ва нархнинг пасайиши;

в) ташқи бозорларда карантин чекловлари жорий этилиши муносабати билан транспорт харажатларининг ошиши.

Юқоридаги муаммоларни ечишда экспортёрларга кўмаклашиш мақсадида Амалий ҳаракатлар режаси қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) 2020 йил якунига қадар бўлган даврда:

– экспортни **17 миллиард доллар** миқдорида таъминлаш;

– экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича Республика комиссияси фаолияти доирасида экспорт қилувчиларга кўмаклашиш орқали доимий ва тизимли равишда мақсадли ишларни амалга ошириш;

– маҳаллий маҳсулотларни етказиб бериш бўйича хорижий ҳамкорлар билан қатъий шартномалар тузишни йўлга қўйиш;

– пандемия муносабати билан ташқи бозорларда талаб ортган экспорт маҳсулотларини тезкор етказиб бериш чораларини кўриш;

– савдони молиялаштиришнинг замонавий воситаларидан фойдаланишни янада кенгайтириш;

– экспорт қилувчиларга мева ва сабзавот маҳсулотларини харид қилиш учун нақд пул шаклидаги кредитларни қайтариш муддатини **180** кунгача узайтириш;

– экспорт тушуми тушиш муддатини **120** кундан **180** кунга узайтириш;

– экспортда автомобиль, темир йўллари ва ҳаво транспортида ташиш хизматлари харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиган маҳсулотлар рўйхатини **68** тадан **184** тагача кенгайтириш;

– тижорат банкларининг экспортдан олдинги кредитлари бўйича, шу жумладан, экспорт қилувчиларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат жамғармаси кафолатларининг максимал миқдорини **25 миллиард сўмга** ошириш;

– кредит ҳажми ва тижорат банки томонидан белгиланган ставкадан қатъи назар, экспортчиларга экспортдан олдинги

молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун берилган ссудалар бўйича фоиз харажатларини қоплаш.

б) 2021 йил якунига қадар бўлган даврда:

– саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, хусусан, **2021** йилда тўқимачилик маҳсулотлари экспортини **1,5 баробарга**; электротехника маҳсулотлари экспортини **1,3 баробарга**; ипакчилик, чарм ва бошқа тармоқ маҳсулотлари экспортини камида **20 фоизга** ошириш;

– экспорт фаолиятининг объектив ва аниқ натижалари билан боғлиқ бўлган экспорт қилувчиларни давлат томонидан рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон учун МДҲнинг Эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимни қўллаш шартлари муддатларини узайтириш;

– Ўзбекистон учун Европа иттифоқининг **«GSP+»** бенефициар мақомини олиш;

– мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш (саралаш, сақлаш, қайта ишлаш ва логистика), автотранспорт паркларини кенгайтириш;

– экспорт қилувчилар гуруҳи учун мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун карантин рухсатномаларини олиш механизмини жорий этиш;

– Хитой Халқ Республикаси ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатларига чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилишни ташкил этиш мақсадида маҳаллий паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилувчиларга тегишли рухсатномаларни олиш бўйича ишларни олиб бориш.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “29” август даги 526-сон қарорига
2-илова

**2020–2021 Иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни тиклаш ва давом эттириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”**

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| **Макроиқтисодий барқарорлаштиришни таъминлаш** | | | | | |
| 1 | Инқирозга қарши комплекс чора-тадбирларни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига 2020 йил якунига кўра ижобий иқтисодий ўсишни таъминлаш. | 2020 йил давомида | Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, манфаатдор вазирлик ва идоралар | – | Чора-тадбирлар режаси. Иқтисодиётда вазиятнинг меъёрга келиши ва уни босқичма-босқич тиклаш назарда тутилади. |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ҳукумат кафолати остида имзоланадиган янги келишувларни қонунчиликда ўрнатилган энг юқори ҳажмлардан ошмаслигини таъминлаш ҳамда консолидациялашган бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш.<br>Қарз маблағларини фақатгина инфратузилма ва ижтимоий объектларни ривожлантириш учун | 2020 йил сентябрь | Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Марказий банк | – | Чора-тадбирлар режаси. Давлат ташқи қарзини кескин ўсишига йўл қўйилмаслиги ва бюджет тақчиллиги оширилмаслиги назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | ишлатишни кўзда тутувчи қоидани жорий этиш. Ички қарзлар улушини босқичма-босқич кўпайтириш орқали давлат қарзи тузилмасини диверсификация қилиш. | | | | |
| 3 | Энергоресурслар бозорини либерализация қилиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат корхоналарини (шу жумладан, банкларни) ислоҳ қилиш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъсирчанлигини таъминлаш, ер муносабатларини ислоҳ қилиш бўйича кўзда тутилган таркибий ислоҳотларни амалга оширилишини тезлаштириш ҳамда бизнес ва инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2021 йил апрель | Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Инвестицион муҳит яхшиланиши, хусусий ва хорижий инвестициялар ҳажми ошиши ҳамда давлат маблағларини ва банк кредитларини ишлатишга бўлган босим камайиши назарда тутилади. |
| 4 | Хусусийлаштирилиши белгиланган Давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш учун тайёргарлик кўриш жараёнларини тезлаштириш, улардаги корпоратив менежмент сифатини яхшилаш. | 2020 йил декабрь | Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Марказий банк, манфаатдор | – | Чора-тадбирлар режаси. Иқтисодиётда давлат корхоналарининг улушини босқичма-босқич камайтириб бориш, иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини ошириш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | вазирлик ва идоралар | | |
| 5 | Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар айланмасининг гаров механизмини такомиллаштириш. | 2020 йил октябрь | “Давгеодезкадастр” қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги , Адлия вазирлиги, Марказий банк | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Қишлоқ хўжалигида инвестицион имкониятларни кенгайтириш назарда тутилади. |
| 6 | Инфляцияни ва пул кредитлари (сўм) бўйича фоиз ставкаларини тушириш учун керакли шароитларни яратиш, молиявий бозорнинг бошқа сегментларини ривожлантириш. | 2020 йил ноябрь | Марказий банк, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар | – | Чора-тадбирлар режаси.<br>Сўмдаги кредитларнинг жозибадорлигини ошириш, валюта кредитларига бўлган талабни камайтириш, фонд бозорида молиявий ресурларни жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, иқтисодиётда долларлашув даражасини пасайтириш назарда тутилади. |
| 7 | Маблағларни мажбурий захира фондида сақлашга қўйиладиган талабларни енгиллаштириш ва пул-кредит сиёсати воситаларидан самарали фойдаланиш орқали банкларга ликвидликни таъминлаш, | Доимий | Марказий банк, тижорат банклари | 4 800 (Марказий банк маблағлари) | Чора-тадбирлар режаси.<br>Банк тизимининг жами активларида юқори ликвидли активлар улушини 10 фоизлик даражада сақлаб туриш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш учун 3-6 ойлик ликвидликни таъминлаш орқали Марказий банкнинг янги воситаларини жорий этиш. | | | | |
| 8 | Жаҳон банки билан ҳамкорликда нобанк кредит ташкилотларининг ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратишни назарда тутувчи "Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2020 йил ноябрь | Марказий банк, Адлия вазирлиги | – | Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси. 2025 йилга келиб нобанк кредит ташкилотлари активлари улушини жами кредит ташкилотлари активларидаги улушини 0,35 фоиздан 4 фоизгача ошириш назарда тутилади. |
| 9 | “Банкларда корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш орқали корпоратив бошқарув соҳасидаги Базел қўмитасининг принципларини жорий этиш. | 2020 йил октябрь | Марказий банк | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Банкларда халқаро стандартларга мос келадиган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш назарда тутилади. |
| 10 | Жаҳон банки билан биргаликда лойиҳаолди тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва молиявий хизматлардан фойдалана олишни ошириш Миллий стратегиясининг қайта ишланган лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига | 2020 йил октябрь | Марказий банк, Молия вазирлиги | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Аҳоли ва кичик бизнес субъектларининг молиявий хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | киритиш. | | | | шунингдек, молиявий хизматлар кўлами ва сифатини яхшилаш назарда тутилади. |
| 11 | Макропруденция воситаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётда долларлаштиришни пасайтириш бўйича зарур чораларни амалга ошириш | 2021 йил декабрь | Марказий банк, тижорат банклари | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Банкларнинг активлари ва мажбуриятлари таркибида долларлаштириш даражасини пасайтириш учун рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи чора-тадбирлардан фойдаланиш, шу жумладан, банкларнинг активлари ва пассивларида хорижий валютанинг улушини пасайтириш учун макроиқтисодий шароитларни яратиш назарда тутилади. |
| 12 | Банкнинг мижозларни жалб қилиш даражасини ошириш, шу жумладан:<br>– аҳолининг кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун кам харажат талаб этадиган банк хизматлари ва маҳсулотларини стандартлаштириш орқали банк хизматлари турларини кенгайтириш;<br>– истеъмолчиларнинг қониқиш даражаси (CSI), шунингдек, | 2020 йил сентябрь | Марказий банк, тижорат банклари | – | Чора-тадбирлар режаси.<br>Банкларда хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш ҳамда банк маҳсулотлари ва хизматлари сифатини яхшилаш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | истеъмолчиларнинг мойил-лиги индекси (NPS) асосида банк хизматлари сифатини баҳолаш тизимини жорий этиш. | | | | |
| 13 | Мавжуд маълумотларни тўлиқ таҳлил қилиш, солиқ органларининг ходимларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ талабларини ихтиёрий равишда бажаришга ёрдам берадиган ишларни ташкил қилиш мақсадида замонавий маълумотларни қайта ишлаш Марказини ва тегишли дастурларни яратиш. | 2021-2023 йиллар | Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги | 60,0 млн. долл. (Жаҳон банкининг маблағлари) | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Маълумотларни таҳлил қилиш ва уларни таққослаш дастурларини яратиш назарда тутилади. |
| 14 | Солиқ органларида ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатдан ўтказиш учун “Ўзини ўзи банд қилиш” мобил иловасини ишлаб чиқиш. | 2020 йил сентябрь | Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | Давлат солиқ қўмитаси маблағлари | Чора-тадбирлар режаси.<br>Жисмоний шахсларнинг даромадларини легаллаштириш назарда тутилади. |
| 15 | Корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун ҚҚС ва ортиқча тўланган даромад солиғини ўз вақтида тўлаб бериш чораларини кўриш. | 2020 йил давомида | Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар | – | Чора-тадбирлар режаси.<br>Айланма маблағларнинг ортиқча жалб қилинишини бартараф этиш назарда тутилади. |
| 16 | Республика ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар ва импорт қилинган товарларнинг акциз солиғини | 2020 йил давомида | Молия вазирлиги, Инвестициялар | – | Чора-тадбирлар режаси.<br>Соғлом рақобат муҳитини яратиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | босқичма-босқич бирхиллаштириш. | | ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси | | |
| 17 | Мол-мулк (кўчмас мулк ва транспорт воситалари) олди-сотдисини амалга оширишда замонавий банк хизматларидан фойдаланиш. | 2020 йил декабрь | Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги, Марказий банк | – | Чора-тадбирлар режаси. Мол-мулк (кўчмас мулк ва транспорт воситалари) бўйича томонлар ўртасидаги олди-сотди шартномаларни нотариал идоралар орқали расмийлаштиришда ўзаро ҳисоб-китобларни замонавий банк хизматларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизимини жорий қилиш назарда тутилади. |
| | **Божхона маъмурчилиги** | | | | |
| 18 | Нотариф чораларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш тартибини тасдиқлаш ва механизмини жорий этиш. | 2021 йил март | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар | Жаҳон банки маблағлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси. Тақиқ ва чекловларни қўллаш тизимини такомиллаштириш, бизнес юритишда олдиндан кўра билиш шароитларини яратиш, аниқ тармоқлар, ҳудудлар ва |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | иқтисодиётни ривожлантиришда қўлланиладиган чора-тадбирларнинг реал таъсирини таҳлил ва назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш назарда тутилади. |
| 19 | Божхона божи бўйича имтиёзларни мақбуллаштириш. | 2020 йил декабрь | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар | – | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.<br>Иқтисодиётда божхона иштирокчиларига тенг шароитларни яратиш назарда тутилади. |
| 20 | Божхона тўловчисининг ягона шахсий ҳисоб рақамини юритиш амалиётини жорий этиш. | 2020 йил декабрь | Давлат божхона қўмитаси | Давлат божхона қўмитаси маблағлари | Давлат божхона қўмитаси буйруғи.<br>Реал вақт режимида тўловларни назорат қилиш назарда тутилади. |
| 21 | Божхона имтиёзларни қўллаган ҳолда импорт қилинадиган хомашёлардан мақсадли фойдаланиш бўйича божхона назоратини ўтказиш. | 2020 йил давомида | Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси | – | Чора-тадбирлар режаси.<br>Божхона имтиёзларининг тўғри қўлланилиши устидан назорат қилиш назарда тутилади. |

| Т/р | Амалга ошириладиган тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъуллар | Молиялаштириш манбаси (млрд. сўм) | Ҳужжат шакли, кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Бюджет сиёсати** | | |
